



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - dekabr

164и -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Худайберганов Авазбек Шодбек ўғлига
Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласи ҳудудига вақтинча
енгил конструкцияли “Континер” ўрнатишга рухсат
бериш тўғрисида.

Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида яшовчи фуқаро Худайберганов Авазбек Шодбек ўғлининг “Тўпчи” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,5x12,0) 30 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 18 ноябрдаги ХО-Х-3228-сонли аризасини, Боғот туман Архитектура ва қурилиш бўлимнинг 2020 йил 16 декабрдаги 479/1-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида яшовчи фуқаро Худайберганов Авазбек Шодбек ўғли “Тўпчи” маҳалласи ҳудудига (2,5x12,0) 30 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли Континерни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Худайберганов Авазбек Шодбек ўғлини “Тўпчи” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,5x12,0) 30 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Худайберганов Авазбек Шодбек ўғли “Тўпчи” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,5x12,0) 30 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**

Ш.Яхшибаев